



ERKIN YURT



Каримовнинг Ўзбекистонга қарши «харбийларни тайёрлашмоқда» деган иddaоси билан қатл рўйхатига киритилган Абдуллоҳ Бухорийга нисбатан таҳдидларнинг уч ой илгари бошлангани аниқланган. Бухорийнинг Каримов тарафидан «зарарли унсурлар» тоифасига киритилгани ва таҳдид сифатида кўрилгани айтилади.

Қатл рўйхатига исми киритилган Ўзбекистон Халқ Ҳаракати лидери Муҳаммад Солиҳга нисбатан илгари ҳам икки маротаба суикасд тайёрланган ва янги қатл рўйхатига киритилган.

Унинг ўғли Тимур Солиҳ эса илк маротаба қатл рўйхатига киритилган.

YENI ŞAFAK: «TÛRT KIŞILIK QATL RÛYXATI»

Шу йилнинг 10 декабр куни Туркиянинг Истанбул шаҳрида Абдуллоҳ Бухорий номи билан танилган Мирзағолиб Ҳамидовнинг отиб ўлдириши турк матбуотида анча шов-шувларга сабаб бўлди. Хусусан, Yeni Şafak газетасида эълон қилинган навбатдаги хабарда Зайтинбурни мавзесида ўлдирилган Абдуллоҳ Бухорий суикасдининг парда орқасидан рус ва ўзбек махсус хизматларининг тўрт кишилик қатл рўйхати чиққанлиги ёзилади.

Уч ой илгари тайёрлангани айтилаётган ушбу рўйхатда Ўзбекистон Халқ Ҳаракати лидери Муҳаммад Солиҳ, ўғли Тимур Солиҳ, Қирғизистонлик Рашод қори ва бир неча кун олдин ўлдирилган Абдуллоҳ Бухорийларнинг исмлари жой олган.

«Ўзбек махсус хизматлари тарафидан ушбу қатл рўйхатининг тайёрланишида рус махсус хизматларининг ҳам кўмаги борлиги айтилмоқда. Рўйхатда ўлдирилган Бухорийнинг ёнида Ўзбекистон Халқ Ҳаракати лидери Муҳаммад Солиҳ, ўғли Тимур Солиҳ ва Қирғизистонлик Рашод қориларнинг ҳам борлиги аниқланди. Бухорийнинг қатл рўйхатида исми борлиги ҳақида суикасддан олдин хабари бўлгани маълум бўлди», — дейилади хабарда.

Бирлаштирувчи нукта — Каримов режимига қаршилик

Ўзбекистон Исломий Ҳаракати вакиларидан бири эканлиги айтилаётган Абдуллоҳ Бухорий Афғонистондаги фаолиятини тарк этиб Истанбулга кўчиб ўтган. Ҳақиқий исмий Мирзағолиб Ҳамидов бўлган Абдуллоҳ Бухорийнинг ўзбек ва рус хавфсизлик хизматлари тарафидан таҳдид сифатида кўрилгани ва қатл рўйхатига киритилгани аниқланган.

Тайёрланган қатл рўйхатига Абдуллоҳ Бухорий, Тимур Солиҳ ва Рашод қориларнинг расмлари ҳамда қисқача биографиялари ҳам илова қилинган.

Бундан ташқари, Муҳаммад Солиҳ учун ҳадаф нуктаси сифатида бевосита ўзи яшаётган уй кўрсатилгани маълум бўлган. Қирғизистонлик Рашод қорининг ўзбеклар ва қирғизлар тарафидан эҳтиром қилиниши, унинг диний мавзудаги маърузалари режимга таҳдид сифатида кўрилгани айтилади.

Ўлим сабаби — Каримовни танқид қилганлик

Абдуллоҳ Бухорийнинг ҳам маърузаларида Каримовга қарши гапиргани ва бу маърузаларнинг Каримов эътиборига тушгани айтилмоқда. Президент

Сайловлар арафасидаги мудҳиш жиноятлар

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати лидери Муҳаммад Солиҳ Yeni Şafak газетасига берган интервьюсида Бухорий жинояти Каримовнинг сайлов кампанияси эканини тилга олади. Жумладан: «21 декабрда парламентга сайловлар бўлиб ўтади. 2015 йилнинг март ойида Президент сайловлари бор. Эски тажрибага таяниб тахмин қиламанки, жиноятлар сайловлар арафасида қасддан содир қилинмоқда», — дейди у. Шунингдек, Муҳаммад Солиҳ 2007 йилда қирғизистонлик журналист Алишер Соиповнинг ҳам сайловлар арафасида ўлдирилганини таъкидлайди. Алишер Соипов ўз мақолаларида Каримов режимини кескин танқид остига олган ва айна пайтда журналистнинг ўзбек мухолифати етакчиси Муҳаммад Солиҳ билан яқин алоқада бўлгани айтилади. Бундан ташқари, Муҳаммад Солиҳ 2011 йилда Ўзбекистон Халқ Ҳаракати аъзоси Фуад Рустамхўжаевнинг ҳам ўзбек махсус хизматлари тарафидан ўлдирилганини таъкидлайди. Қатл рўйхатида ўзбек мухолифати етакчиси Муҳаммад Солиҳ, ўғли Тимур Солиҳ, Рашод қори ва

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ўлдирилган Абдуллох Бухорийнинг расми, улар ҳақида батафсил маълумотлар ва яшаётган жойлари ҳақидаги маълумотлар борлиги маълум бўлди.

Котилларга харитали кўрсатма

Каримов режими тарафидан тайёрлангани аниқланган қатл рўйхатида Ўзбекистон Халқ Ҳаракати лидери Мухаммад Солих яшаётган уйнинг харитадаги жойлашуви ҳам кўрсатилган.

Yeni Şafak газетаси хабари асосида тайёрланди
ЎХХ ахборот бўлими



ЭНДИ ЎЗБЕКЧА ҲАМ БОР...

Google тарафидан эълон қилинган баёнотда Google Translate автоматик таржима онлайн-хизматидаги тиллар рўйхатига яна ўн та тилнинг қўшилгани маълум қилинди.

Ушбу тиллар рўйхатида қозқочка, тожикча билан бир қаторда ўзбекча ҳам бор. Жорий йил бошида Google ўз хизматлари сифатини ривожлантиришда иштирок этиш истагида бўлган кўнгиллиларни ишга қабул олишини маълум қилганди.

Ўшанда ҳар бир кўнгилли ўзига бир таржима тили танлаши ва унинг сифати яхшиланишида ўз ҳиссасини қўшиши мумкин эди.

Мазкур рўйхатга ўзбекча ҳам киритилганди.

Кўнгиллиларнинг ўзбекчани Google Translate тиллар рўйхатига киритиш йўлидаги саиъ-ҳаракатлари туфайли бу жараён узокка чўзилмади.

Таржима сифати, албатта янада такомиллаштиришни талаб қилади. Вақт ўтиши билан унинг янада такомиллаштирилиши айtilмоқда.

Маркази АҚШда жойлашган Google ширкатининг ёзма баёнотида

тизимга қўшилган тилларнинг компьютер фойдаланувчилар хизматида киритилгани ва қисқа бир фурсат ичида платформанинг телефон дастурларида ҳам ишга туширилиши таъкидланади.

Осиёдаги инглиз тилида сўзлашмайдиган фойдаланувчиларга тақдим қилинаётган хизматларни янада такомиллаштиришни мақсад қилган Google ширкати 2017 йилда фақат Ҳиндистоннинг ўзида 500 миллион фойдаланувчига хизмат кўрсатишни режалаштирган.

Ушбу режа доирасида ширкат Google Translate автоматик таржима онлайн-хизматида алоҳида эътибор қаратмоқда.

Эслатиб ўтамиз, эндиликда ўзбекча, қозқочка ва тожикчани ўз ичига олган Google Translate автоматик таржима онлайн-хизмати фаолияти 2006 йилда йўлга қўйилган. Туркий тиллар ичида энг аҳоли сўзлашадиган Туркия туркчасидаги Google Translate автоматик таржима онлайн-хизмати 2009 йилдан бошлаб фаолият кўрсата бошлаган.

ЎХХ ахборот бўлими

Каримов Путиннинг илтимосини қаноатлантирмади




Ўзбекистон Қирғизистон жанубига газ бериш борасидаги Путиннинг илтимосини қаноатлантирмади, деб хабар берди россия ОАВ.

Маълумотларга кўра, Каримов ва Путин ўртасида бўлиб ўтган музокаралар чоғида 2014 йилнинг апрель ойидан бери Қирғизистоннинг жанубий вилоятларига газ беришнинг тўхтатиб қўйилганлиги билан боғлиқ масала кўтарилган. Бироқ Каримов «қайтадан газ етказиб бериш масаласи қўшимча ўрганиб чиқишни талаб қилади», дея таъкидлаган. Қайд этиш лозимки, «Қирғизган» ОАЖнинг Россия ширкати бўлган «Газпром» томонидан сотиб олиниши ортдан Ўзбекистон Қирғизистоннинг жанубий вилоятларига газ етказиб беришни тўхтатиб қўйганди.

ОАВ хабар беришича, Владимир Путиннинг ташрифи Россия Ўзбекистоннинг 860 миллион долларлик қарзидан воз кечиганлиги билан якун топган. Бундан ташқари россия томони тез орада Божхона иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасида эркин савдо ҳудуди яратиш бўйича маслаҳатлашувларнинг бошланиши ҳақида маълум қилган. Ислом Каримов бу борада шарҳ беришдан ўзини тийган.

ЎХХ ахборот бўлими





БУХОРОДА БИРИНЧИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ОБУНАГА МАЖБУР ҚИЛИНМОҚДА

Мактабларда ўқувчилардан мавсумий пул териш ҳолатларининг мавжудлиги ҳеч ким учун сир бўлмай қолди.

Бухоро вилояти мактаблари ҳам бундан истисно эмас, дейилади Ўзбекистон маҳаллий нашрларидан бирида эълон қилинган мақолада.

Бухоро шаҳридаги 4 ва 28-сон, Жондор туманининг 1,32,33-сон мактабларини бунга мисол тариқасида келтирилади. Мақолада таъкидланишича, исми шарифларини номаълум қолдиришни истаган бир гуруҳ ота-оналар мазкур муаммо тўғрисида қуйидагиларни айтиб беришган:

«Ўқув йилининг якуни синф хоналари ҳамда мактаб таъмири учун пул йиғиш билан эсда қолса, ҳар йилнинг ноябрь-декабрь ойлари обунага пул териш ойлари ҳисобланади.

Шуниси эътиборга лойиқки, обунага ҳали ўқишни ҳам билмайдиган биринчи синф ўқувчилари жалб этилади.

Бухоро шаҳридаги 28-сонли мактабда ҳар-бир ўқувчидан 12000 сўмдан терилаётган бўлса, 4-мактабда обуна учун ўқувчилар 1500 сўмдан беришга мажбурдилар.

Ўқитувчиларнинг бағритошлиги шу даражага етганки, 4-мактабнинг эндигина биринчи синфига қадам босган қизалок “устозимиз обуна учун пул бермаганларни ўрнидан турғизади” деб, мактабга боришда бош тортган.

Болалар учун кераксиз бўлган

нашрлар учун маблағ йиғиш жараёнига қонуний тус бериш учун ота-оналар Кенгашининг йиғилиш баённомаси тузилсада, ҳужжат номига расмийлаштирилиб, ота-оналарнинг аксарияти бундан хабарсиз қолади.

Жондор тумани бир нечта мактаблари, жумладан 32-мактабда ҳар-бир ўқитувчи 2014 йил ноябрь ойи иш ҳаққининг 23 фоизини обунага бериши мажбур. Бу фоиз қаердан пайдо бўлганини ҳеч ким билмайди.

Ўқувчиларга эса қайсидир газета ва журналлар учун 6000 – 8000 сўм атрофида пул келтириш топширилган. Албатта, ўқитувчи ва ўқувчиларга пул териш бўйича бериладиган барча буйруқлар оғзаки амалга оширилади.

Сабаби шундаки, норозилик ёки шикоят келиб чиққан тақдирда ноқонуний буйруқни ким берганлигини топиш ниҳоятда мушкул бўлиб қолади. Ушбу мактаб ўқитувчиларининг айтишича, мазмунан сифатсиз нашрларга обуна бўлишга мажбур қилиш ҳолатлари анча йиллардан буён давом этмоқда.

Аммо, пул талаб қилишдан кўра, нашрларни етказиб бериш борасидаги тартибсизлик ўқитувчилар ҳамда ота-оналарнинг ўринли норозилигига сабаб бўлмоқда. Гап шундаки, обуна бўлинган нашрлар обуначилар кўрсатган манзилга эмас, мактабга келтирилиб ташланади. Чакқонлик

қилганлар нашрларни олиб кетиб, ҳақиқий обуначилар ўзлари пул берган газета ва журналлардан маҳрум бўлишади.

Алоҳида айтиб ўтиш жоизки, ўқувчи ва ўқитувчиларнинг аксарияти республикаимизнинг етакчи ижтимоий, сиёсий, илмий, ўқув-услубий нашрларга ўзлари ҳам обуна бўлишмоқда. Юқорида қайд этилган мажбурлаш ҳолатлари эса соғлом рақобатга бардош бера олмаган ҳамда паст сифатли нашрлар томонидан таълим муассасалари раҳбарларига таъсир ўтказиш натижасида юзага келмоқда.


Бухоро вилоятидаги айрим мактаб ва боғчаларида мавжуд яна бир қизиқ “анъана”га эътибор қаратиш лозим. Ҳар ойнинг охирида ўқувчи ва тарбияланувчилар она-

оналари таълим муассасасининг “қора касса”сига пул беришга даъват қилинади. “Қора касса” жорий этишни ким буюргани ва берилган пуллар қаерга сарф қилиниши ошкор этилмайди.

Бу учун териладиган пул миқдори бор-йўғи 1500-2000 сўм атрофида бўлгани учун ота-оналар ҳеч кимга арз қилмай қўйишган. Табиийки, “қора касса” учун берилган пуллар эвазига ҳеч қандай квитанция берилмайди. Асоссиз ва чексиз пул териш ҳолатлари жонига теккан ота-оналар синфларни таъмирлаш, деразаларни плёнка билан ёпиш, канцелярия моллари ва ўйинчоқлар учун пул берса, қолаверса, давлатимиз таълим муассасаларининг барча харажатлари учун маблағ ажратиш келаётган бўлса, “қора касса”га йиғилган пуллар ҳақиқатда қаерга сарфланади?

Бу масала ҳам жумбоқлигича қолмоқда. Ноқонуний пул талаб этиш ва йиғиш ҳолатларининг сабаби – таълим муассасалари молиявий-хўжалик фаолиятининг ёпиқлиги, ота-оналар кенгаши фаолиятининг расмиятчилиги ва ота-оналарнинг ҳуқуқий фаолсизлигидадир. Ҳалол меҳнат эвазига топилган ҳар-бир сўмнинг нима учун берилаётганлиги сўралганида, суистеъмол қилиш ҳолатлари ҳам шунга мувофиқ қамайиб бориши шубҳасиз», — дейилади мақолада.

ЎХХ ахборот бўлими



НЕГА ЕТТИЮЗЛАМАЧИ ҚАТАҒОНБОЙ ХИТОЙ ҲУКУМАТИГА ХУШОМАД ҚИЛМОҚДА?

*Бўларман бўри феълли, ари
дидли – шер дидли,
сертаъмиз, далли-гўлли,
юртига кўз-қош бўлар.*

*Бўлмаснинг йўқдир бурди,
товонин ялар зўрди,
сон тегса Худо урди –золим
бағритош бўлар.*

*Бўлмаснинг бети бездир,
мақсади қамаб –эздир,
ўгли бўлмас — қизи қизмас,
қилиқлари фош бўлар.*

*Элим, сен, бўларман бўл,
Илоҳим берсин оқ йўл,
«Омин»-деб очайин қўл,
Оллоҳим йўлдош бўлар.*

«Нима учун ўзбек боласи юргакда совуққотмоқда, чин боласи роҳат олмоқда?...»-сарлавха остида ёзилган мақолада, Ўзбекистон ҳукумати Хитойга(Чин) давлатига, Ўзбекистон халқининг табиий бойлиги бўлган газимизни, ўзимиз сув ва ҳавога муҳтож бўлгандек муҳтожлик сезиб турган бўлсакда, нима сабабдан сув текингами ёки текингами тортиқ қилаётганлиги, Еттиюзламачи Қатағонбойнинг, Хитой ҳукумати раҳбарига хушомад қилиши нега керак эканлиги ҳақида фикру-мулоҳазани бошлаган эдик.

Бир устоз инсон, бирда менга юзланиб, имон нима — имон ҳақида ёзишни иккита журналистга тайинлаган эдим, аммо икки ой ўтган бўлсада, бироқ ханузгача ёзишганлари йўқ, -дея айтган эдилар. Ҳа, имон шунчалар улуғ тушунчаки, уни ойлаб айтиш ва ёзиш мумкин, худди бахт тушунчасидай, қолаверса ИМОН

ва БАХТ бир-бировига жуда ўхшаш ва бир маънони англатади -десам ҳам хато қилмаган бўламан, чунки имонни ҳам-бахтни ҳам инсон қалбдан ҳис этмоқлиги лозим, ҳамда бахтли инсон имонли бўлишлиги ва имонли инсонгина бахтли бўлишлиги мумкин. Шунинг билан бир қаторда, ХАҚнинг йўлидан қайтиш билан, инсон бир сонияда имондан ҳам, бахтдан ҳам жудо бўлишлиги мумкин.

ИМОН ҳам, БАХТ ҳам, инсон фақат ОЛЛОХНИ севишида—унинг қули бўлишида ва унга нафақат сўзи-иши билан, балки қалби билан ҳам шак келтирмаслигида номоён бўлади. Аммо, шунини аниқ айтаманки, ўзбек болаларининг барчасига оталикни даъво қилганда ҳолда, уларни эзиб-янчиб-азоблаб, совуқда сақлаб, безбетларча, «Мен қарияни асранг-ардоқланг»-деб еттиюзламачилик қилишлиги, — ИМОН сизлик ва -БАХТ сизликдир. Бу ҳақда кейин батафсил фикру-мулоҳазани юритишни ният қилсакда, бугунги мавзуга қайтсак. Аввало, «гумон-имондан айиради»-деган халқимизнинг пурмаъно сўзларини эсан чиқармайлик, тухмат-уйдирмалар ҳам оғир гуноҳ бўлиб имондан айиради ва шунинг учун ҳам, гумондан ҳазар-тухматдан озор – деб билган ҳолда, мен ушбу фикру мулоҳазаларимни табиий ҳолатда асослашга, асослаганда ҳам савол назари билан ёндашишга ҳаракат қилмоқдаман.

Ушбу муаммоли саволларнинг ҳақиқий жавобини бўлса, айнан Парламент аъзолари бўлмиш

Депутат ва Сенаторлар, агарда ҳақиқатдан ҳам халқ сайлаган ва халқ тақдирини ўйлайдиган ва миллат дарди билан яшайдиган бўлишсаларгина, ана ўшанда билиб олишимиз мумкин.

Мана шунинг учун ҳам Ўзбекистон халқи, айнан 21.12.2014 йилда ирода ва қатъият кўрсатган ҳолда, ўз эрки ва фуқаролик позициясини номоён этмоқлиги лозим бўлади.

Энди бир, мулоҳазани юритиб кўрайликчи:

А) Нима учун сув текингами -деган ўйга келдик;

-Биринчидан; — Хитой ҳукумати катта ва зўравонлиги билан эмас, аксинча ишлаб чиқарган товар-махсулотларининг

арзонлиги билан дунё бозорини эгаллаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, арзон махсулот чиқаришни уддасидан чиқаётган Хитой ҳукумати, Ўзбекистондан газни қиммат нархларда олиб, ундан чиққан махсулотларни жаҳон бозорига арзон нархларда сотишлигига ишониниш мумкинми?

Мана шу ҳолат ҳам, Хитой ҳукумати Ўзбекистондан газни сув текинга олаётганлигига асос эмасми?

-Иккинчидан; -Ўзбекистон ҳукумати, ўз автомобилларини ўз халқига, четга сотаётганидан икки баробар қиммат нархда сотаётганлиги ҳеч кимга сир эмас, яъни айни ҳақиқатдир. Шундай экан, Ўзбекистон ҳукумати газни, Хитойга қимматроқ нархда, иқтисодий манфаатни (халқ манфаатини) кўзлаб сотишига ишониниш мумкинми?

Бу ҳақда ўйлашнинг ўзи ҳам, руҳий етишмовчиликни, яъни миянинг тош қотган-догмалигини ифодаламайди?

Мана сизга исбот талабсиз аксиома, сув текингами ёки йўқми, сиз ҳам фикр юритинг!

Б) Нима учун текингами, хушомад қилиш учунми –деган ўйга келдик:

Тан олиш керак-ки, дунёда чин маънода(Ўзбекистондан фарқли ўларок) демократик кучлар ва қарашлар катта кучга эга. Шу ҳолатда қатағон-геноцит сиёсати билан инсон омилини йўқ қилиб давр сураётган ҳукумат, зўрларнинг

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

товонини қанчалар яламасин, аммо халқаро прогрессив инсоният уни безовта қилиб туришлиги тайин, шунинг учун:

Ўзбекистоннинг бўлмас-кетмас Президенти, Америка Президентининг кўнглини ҳарчанд овлашга ҳаракат қилмасин (НАТО қароргоҳига жой бериб ва ...), бироқ демократик прогрессив кучлар, қатағон ҳукуматнинг еттиюзламачилик сиёсатини фош этишлари ва натижада, АҚШ Президентини Ўзбекистонга қарши қаттиқ санкция — чора тайинлашга мажбур этишлари мумкин, худди шунингдек, Европада ҳам ва алқисса Россияда ҳам «плюрализм мнений» мавжуд бўлиб, Ўзбекистоннинг еттиюзламачилик, ҳаққадек ундан бунга сакраш, сиёсати маъқул бўлмаслиги тайин.

Хитойда бўлса коммунистик тузум бўлиб, демократия ҳақида ортиқча вайсамайдилар, вақтлари ҳам йўқ, сабабики Хитой ҳукумати учун 1,5 миллиардлик халқини боқиш учун иқтисодий манфаатлар биринчи ўринда туради ва мана шу нуқтаи назар билан ҳам, айнан

Хитой Ўзбекистоннинг Бўлмас-сарбони бўлмиш Президентни, иқтисодий манфаат негизида ҳар қандай ташқи куч ва таъзийқлардан асраши мумкин бўлса керак.

Яна бир омил, бутун дунёда, масалан Россия ҳам ўзи сотаётган газ ва нефт нархларини аниқ айтаётган ва халқаро нархларни тинмай вайсаётган маҳалда, нима учун Ўзбекистон ҳукумати Хитойга

НЕГА ЕТТИЮЗЛАМАЧИ ҚАТАҒОНБОЙ ХИТОЙ ҲУКУМАТИГА ХУШОМАД ҚИЛМОҚДА?

сотаётган газ нархи ҳақида, ёки ундан бюджетга тушаётган фойда ҳақида лом-мим демайди, хўш кимдан яширади ёки уялади, нархларнинг сув текинлигиданми ёки умуман текинлигиданми? Аммо, ушбу ўта муҳим ва халқнинг фаровонлиги учун сув ва ҳаводек зарур бўлган муаммоли саволларга ҳукуматдан сўров талаб қилиш фақат ва фақат халқ сайлаган ва халқ тақдирига жонкуяр Депутат ва Сенаторлар ваколатига киради.

Яна такрорлаш бўлсада, мен 21.12.14 да албатта сайловга

бораман ва халққа қайишмайдиган ва халқ дарди билан куйиб ёнмайдиган барча номзодларга қора крест қуяман, токи шундай номзодлар бўлмагунича, бу менинг нафақат Конституциявий ҳуқуқим, балки бурчимдир, сабаби мен ўзим ва фарзандларим совукда қотишини ва зотилжам бўлиб ногирон бўлиб қолишини истамайман, сиз эса ўзингиз биласиз. Шунини аниқ


биламанки:

— От минган, бўлармон, кўзи ўткир, нафси тўқ сарбон етовидаги қарвон — аниқ кўзлаган манзилига ва мақсадига етмоғи муқаррардир.

— Қарри Эшшак минган, бўлмас, кўзи сўқир, нафси оч сарбон етовидаги қарвон — аросатда қолмоқлиги муқаррардир.

Ким-кимга эргашиши, ҳар бир инсоннинг ақлу фаросати бирлан, унинг қатъияти ва виждонига ҳавола...

Холдор Равшан



молиялаштира олишмаяпти.

Ушбу партиялар сафига қўшилиш истагидагилар эса кузатилмаяпти. Ўз аъзолари завод директорлари, цех бошлиқлари ва бошқа раҳбар лавозимларни эгаллаган Либерал-демократик партия ушбу ҳолатдан чиқишнинг ўлини топди. Уларга — ўз кўли остидагиларни мажбурий тарзда ўз партиялари сафига киритиб қўйиш юклатилди.

Ариза намуналари аллақачон тегишли инстанцияларга юборилган.

Ушбу қоғоз парчаси билан танишган одамларнинг эса жаҳллари чиққан.

Бунга сабаб партияга аъзолик бадали сифатида уларнинг ойлик маошларидан 1% миқдорида ушлаб қолинишидир. Бу эса 120000-

Қўғирчоқлар орасида тенгсизлик

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига ва Тошкент вилояти халқ депутатлари кенгашига сайловлар куни яқинлашиб келмоқда.

Гарчи барча партияларнинг хўжайини жанов Ислон Абдуғаниевич Каримов бўлишига қарамасдан улар орасида

тенгсизлик мавжуд. Масалан, Либерал-демократик партия, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Халқ демократик партияларидан бўлган депутатликка номзодлар моддий қийинчиликни бошдан кечиришмоқда ва сайловларни ўтказиш жараёнини тўлиқ шаклда

150000 сўмга ёки 30-50 АҚШ долларига тенгдир.

Раҳбарият эса «ёки партия ва бадал ёки ишсиз қоласан», — дея ходимларни огоҳлангирди. Ариза намуналарини саноат корхоналари атрофидаги ахлат қутиларидан топиш мумкин.

**Тошкентдан
ЎХХ махсус муҳбири**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасида “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади”, дейилган, 120-моддасида “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадilar”, дейилган.

Мен 2008-йилдан бери ҳуқуқ-тартибот органларига, хусусан прокуратурага А.Фаттахов таъсис қилган ҚАЛБАКИ “Ақбар-



Конституция талабларини Бош Прокурор ҳам инкор қилса нима қилайлик?

Азизий” ва “Тошкент-12” ХКлари томонидан “Ўзпахтасаноат” ва “ТошполиграфКомбинат” ўртасида воситачилик НИҚОБИ остида 1997-2000 йиллари жиноий фаолият юритиб натижада Ўзпахтасаноатнинг жуда катта микдордаги пулларини талон-тарож қилганлиги ва бу ишда унга президент маслаҳатчиси бўлган Тоҳиржон Иминовнинг аяхонлик қилганлиги тўғрисида тинимсиз мурожаатлар қилиб келаман.

Лекин прокурорлар мамлакатдаги бундай талон-тарожликларга чек қўйиб, хизмат бурчини бажариш ўрнига Т.Иминовга жиноий иш оча олмасликларини айтиб мени бундай шикоятлар ёзмасликка ундаб, кўрқитиб, менга куч ишлатиб президент девонидан ҳайдаб, Конституция китобини отиб юбориб, бу китоб асосида иш юритмасликларини айтиб, юқорида келтирган Конституциянинг 118 ва 120-нчи моддаларини беписантларча онгли равишда, очик-ойдин жиноятчиларни ҳимоя қилган ҳолда бузиб туришибди. Жамиятга бундай жиноятчиларга қарши курашишни хоҳламайдиган прокурорлар ва прокуратуранинг қандай нафи бор?

Эл орасида мамлакат Бош прокурори Р.Х. Қодиров тўғрисида шундай гаплар юради: Р.Х. Қодиров ўзининг хусусий тадбиркорлик ишини кенг йўлга қўйган, унинг ХКлари сони анчагина, фақат ҳаммаси ҳам амма-

ҳола, амаки-тоғаларининг номига расмийлаштирилган, бирортаси ҳам ўзининг номида эмас, лекин ўзини мамлакатда биринчи ўриндаги бой одам дейишади. Шамол бўлмаса дарахтнинг учи кимирамайди. Одамлар бир нарсани билмаса гапирмайди, айтганларидай эл оғзига элак тутиб бўлмайди.

Менинг бир суҳбатдошим прокурорлар тўғрисида ҳайратланарли бир воқеани айтиб берди ва кейинчалик ўзи ҳам шу усулдан фойдаланиб ишини битказиб олганини таъкидлади. У сўзини шундай бошлади: Бош прокурор Р.Х. Қодировнинг антика иш услуби тўғрисидаги ажабтовур, эшитиб ақлингиз лол қоладиган, унинг қанчалар икки юзламачи одамлигини, сўзи бошқаю, амалдаги иши эса бутунлай бошқа одам эканлигини, бугунги кунда кўпчилик билади, сиз эса эшитмаган экансизда, унда эшитинг деди.

Бош прокурор Р.Х. ўз манфаати йўлида ёлғон гапиришда мингта Алдаркўсаларни йўлда қолдириб, роль ўйнашда ҳалқ артистларига сабоқ бериб, буқаломундай минг хил тусга кириб товладиган одамдир. Бош прокурорнинг қўл остида ишлайдиган расмий мутахасисларидан ташқари, ҳуфия қароқчи хизматчилари ҳам бор. Бундай ҳуфия қароқчи хизматчилари маълумотсиз оддий одамлар бўлиб прокурорлар

томонидан махсус тайёргарликдан ўтказилиб, уларнинг хизматлари каттиқ сир тутилар экан. Бундай қароқчи хизматчилар ўзларини Бош прокуратурада ишлайман, прокурорман деб таништиришади. Моддий таъминоти эса бегуноҳларни қақшатиб олган пуллардан бўлади.

Бу одамлар махсус тайёргарликдан ўтгач прокуратуранинг жаллодлари ва ўлпон тўпловчилари, керак бўлганида ҳақиқатни гапирган ва ёзган одамларга нисбатан ҳар-хил бўҳтон, тухматларни уюштириб, прокуратура номидан гапириб шу одамнинг маҳалласини қўни-қўшнисини ҳам бу ишга жалб этиб сохта айибловлар билан қанчадан-қанча бегуноҳ одамларнинг қамалиб кетишларига сабабчи бўлган ва бўлишяпти. Қароқчи хизматчиларнинг шаҳарнинг ҳар хил манзилларида уй-жойлари бўлиб улар қариндош-уруғларининг номларига расмийлаштирилиб шу уйларида биттасидан-иккинчисига кўчиб яшаб, битта уйда муқим турмас эканлар. Кўчага ҳар гал чиққанида қиёфасини ўзгартириб, ҳар-хил машиналарда юришади, таъминоти етарли ўзларига тўқ туришади. Хуфия қароқчиларнинг фарзандлари прокурорлар томонидан қўллаб-қувватланиб ОЎЮларини тугатиб прокурор лавозимида ишляпдилар ва ўқиядилар деди. Демак

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

келажакда прокуратуранинг хуфий қароқчиларнинг фарзандлари бошқаришади. Халқ ўғридан қочиб қароқчиға учрар эканда? Мен у кишини яна суҳбатга тортиб прокуратуранинг ишламаётганлиги тўғрисида нолиб гапирганимда суҳбатдошим шундай деди: Нега прокуратура ишламайди дейсиз, бекор гап, қаловини топсангиз қор ҳам ёнади фақатгина “мушук текинга офтобга чиқмайди” деган сўзни прокурорларга нисбатан ишлатиб “прокурор порасиз ишламайди” деб тўғрилаб бундай ишлар учун алоҳида ёлланган хуфия

унда қўл остидагиларнинг барча қилмишлари учун, ўзлари ҳуқуқ ҳимоячилари бўла туриб, қонунлардан эгрича мақсадларда фойдаланиб, менинг мурожаатларимга олти йилдан бери қонуний чора кўрмасдан, шикоятларимни ўзидан паст турувчи ваколатсиз органларга жўнатиб, атайлаб вақтни чўзиб, жиноятнинг қонундаги кўриб чиқиш муддатини ўтказиб юбориш мақсадида қилаётган бундай хатти-ҳаракатлари учун қонун олдида ўзларининг жавоб беришларини талаб қиламан! Мен мамлакатимиздаги бунданга катта ишларни қилётган мутахассисларга

Конституция талабларини Бош Прокурор ҳам инкор қилса нима қилайлик?

қароқчилари билан боғлансангиз, бу ишни эса қилиш қийин эмас, чунки уларнинг қиладиган иши шундан иборат бўлгани учун ўзлари оёғингиз остидан чиқиб қолишади, анашу вақтда порасини катта қилиб берсангиз бўлди, ишим битди деяверинг деди. Фақат эсингизда бўлсин бундай одамлар эркак ёки аёл ва ҳар хил ёшда бўлиши мумкин деб ўзининг шундай хуфия қароқчи одамлар хизматидан фойдаланиб уни йиллар давомида қийнаб келётган муаммоли ишида ютиб чиққанини мақтаниб гапириб суҳбатдошим сўзини тугатди.

Бир балоси бўлмаса шудгорда қуйриқ на қилур деганларидай Бош прокуратура атрофидаги бундай гап сўзларнинг ҳақиқатга асосланганига фактлар жуда кўп, чунки шахсан ўзининг бошимдан ўтказайтган воқеалар ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Халқ орасида аввалдан қолган бир ҳикматли сўз бор “юрт мулладан бузилади” деган.

Назаримда бу сўз замонавийлашиб бугунги кунда “юрт прокурорлардан бузилади” деган маъно касб этгандай гўё. Прокуратуранинг бундай ғаламис ишларининг бошида албатта Бош прокурор Р.Х. Қодиров турибди. Йўқ, мен қўл остимдагиларнинг бундай ноқонуний, Президент сиёсатига қарши, мамлакат ривожланишини орқага тортувчи, демократик тамоилларга зид ишларидан беҳабар эканман, деса унда ўзининг мамлакат Бош прокурори лавозимига нолайиқ эканлигини исботлайди. Модомики ундай демас экан,

юзланиб шу юртнинг ҳақиқатни ёзиб турган бир фуқораси сифатида илтимос қиламан: Мен келтирган барча фактларни инобатга олиб А.Фаттахов таъсис қилган “Акбар-Азизий” ва “Тошкент-12” ХКларида бир вақтнинг ўзида жиноий иш очилиб қиёсий текширувлар асосида А.Фаттаховнинг Ўзпахтасаноатнинг жуда катта микдордаги пулларини талон-тарож қилгани ва бу ишга президент маслаҳатчиси бўлган Т.Иминовнинг жиноий аяхонлик қилганлиги тўғрисидаги ишга мавжуд қонунлар асосида ҳолисона ёндошиб қонуний чора кўришда мутахассисларни бу ишга жалб этишни таъминлаб беришларини илтимос қиламан.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчиман: Энг аввало прокуратура соҳасида кенг миқёсда ислоҳатлар ўтказишни таклиф қиламан, токи прокурорлар ўз бурчларини ватанига садоқат, қонунларга ҳурмат билан чин кўнгилдан адо этишсин. Бугинги кунда мамлакатда ҳуким сураётган ёлғон диктатураси ҳам юқорида келтирган шармандали ҳолатларнинг мевасидир. Юртимиздаги ҳеч бир фуқора мустақиллиқни бундай ҳолатда кўришни хохламайди. Мен ҳам мустақил Ўзбекистонимиз Президент айтганидай дунёдаги ривожланган демократик тамоилларга асосланган мамлакатлар қаторида туришини, ҳамма мавжуд қонунларга риоя қилган ҳолда тинч-тотув яшашимизни хоҳлайман.

Чамангул Негманова
ЎХХ тахририяти почтасидан




Ўзбекистонда танқидчини таъқиб қилган мансабдор жазога тортиладиган бўлди

Энди Ўзбекистонда давлат органларига қилган мурожаатида мансабдорни танқид қилгани учун жисмоний ёки юридик шахсни таъқиб этиш уч йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади, деб хабар берди СА-NEWS.

Президент Ислоҳ Каримов томонидан 11 декабрда имзоланган қонунга асосан Жиноят кодексининг 144-моддасига киритилди. Унга кўра, “жисмоний шахсни, унинг вакилини, уларнинг оила аъзоларини, юридик шахсни, унинг вакилини ва юридик шахс вакилининг оила аъзоларини улар давлат органига, давлат муассасасига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикри ва мурожаатидаги танқид учун, худди шунингдек бошқача шаклда танқид қилганлиги учун мансабдор шахс томонидан таъқиб этиш” энг кам ойлик иш ҳақининг 25 бараваридан 50 бараваригача микдорда жарима ёки 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга ҳилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик эса энг кам ойлик иш ҳақининг 25 бараваригача микдорда жарима ёки 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 6 ойгача қамоқ билан жазоланади.

(Давоми: Боши олдинги сонда)



Умар “Валлоҳи, бу буюк бир хайир!” деди. У бу хусусда у қадар исрор этди-ки, ниҳоят, Оллоҳ унга менинг қалбимни очди ва Умарнинг кўришини уйғун топдим.

— Сен ёш, ақлли инсонсан. Сенга бизнинг ишонч ва эътимодимиз бор. Сен Расулulloҳга ваҳий ёздинг. Энди сен Куръондан ўзингда бўлган ва бошқаларда бўлган оятларни тўпла, уларни бир китобда жам қил, — деди Умар.

Валлоҳи, менга бир тоғни бошқа жойга кўчириш таклиф қилинсайди, Куръонни жам қилишдан оғирроқ бўлмасди.

— Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг қилмаган ишини қандай қилмоқчисизлар?, — дедим.

Абу Бакр ҳам: “Валлоҳи, бу буюк хайирдир”, деди. Абу Бакр ва Умарнинг қалбини кўндирган Оллоҳ менинг ҳам қалбимни уларга очди ва бу ишга кўндирди. Мен Куръоннинг япроқсиз, қобиғи шилинган хурмо долларига ёзилган парчаларини, ясси ва оқтошларга ёзилган оятларни ва ҳофизларнинг ёдлаган бўлақларини тўплай бошладим...”

Куръоннинг бу шаклда тўпланган саҳифаларини Абу Бакр вафотига қадар ёнида сақлади, кейин Умар ҳам уни айни шаклда вафотигача ёнида сақлади. Ундан кейин Куръонни Расулulloҳнинг завжаларидан бири Ҳафса бинти Умар ёнида сақлади”. (Бухорий, «Саҳих», 5/98-99).

Ҳазрати Абу Бакр Куръонни тўплаганидан кейин “унга бир исм беринлар”, деди. Баъзилари “Инжил” дейишди, қабул қилинмади. Баъзилари “Сифр” дейишди, бу исм ҳам яҳудийлар

қўллагани учун мақбул бўлмади. Шунда Абдуллоҳ бин Маъсуд “хабашийларга оид бир китоб кўргандим, оти “мусхаф” эди”, деди. Ва Куръони Каримга “мусхаф” номини беришди. Ҳазрати Али “Оллоҳ Абу Бакрга раҳмат этсин, инсонлар ичида энг катта ажрга ноил бўлган у эди. Куръони Каримни икки жилд орасида тўплаган илк киши у эди”, деди. Футухотга қўшилган ғозийлар орасида кироат ихтилофлари пайдо бўлиб, ҳар ким ўз талаффузини “тўғри” дея бошлаган замонлар келди. Ирминия ва Озарбайжон фатҳидан сўнгра Шомга қарши бошланган уруш пайтида Ҳузайфа бин Ямоний Ҳазрати Усмоннинг

хузурига келди.

Ҳузайфани ислом лашкари аскарлари орасида Куръон ўқишдаги ихтилофлар қаттиқ ташвишланганди. У ҳазрати Усмонга:

— Эй, мўминлар амири! Китоб устида худди яҳудий ва насронийлар каби ихтилофга тушмасдан бу умматга етиш!, — деди.

Ҳазрати Усмон “мусхафга ўтказиш учун саҳифаларни бизга йўлла. Кейин тўплаб сенга берамиз”, дея Ҳазрати

Ҳафсага хабар юборди. Кейин Зайд бин Собит, Абдуллоҳ бин Зубайр, Саид бин Осса, Абдурахмон бин Ҳорис бин Ҳишом саҳифаларни мусхафларга ўтказдилар.

Ҳазрати Усмон улардан Куръайшли бўлган учтасига “Куръон имлосида Зайд бин Собит билан ихтилофга тушсангиз, уни Куръайш шеvasида ёзинглар. Чунки Куръон Куръайш шеvasида ингандир”, деди.

Ҳатотлар бу амрни бажардилар. Саҳифаларни мусхофларга ўтказиб, асл матни Ҳазрати Ҳафсага қайтиб беришди. Ёзилганлардан нусхаларни тўрт тарафга тарқатди. Ҳазрати Усмон бошқа матнларни ҳаммасини ёкишни буюрди. (Бухорий, «Саҳих», 6/97-98).

Ҳазрати Усмон Ҳазрати Ҳафсага берилган Куръонни тўрт нусха қилиб ёздирганди. Улардан бирини Куфага, иккинчисини Басрага, учинчисини Шомга юборди. Тўртинчисини ёнида олиб қолди.

Кўпайтирилган китоб нусхаларининг 7 та бўлгани ҳақда ҳам ривоятлар бор.

Яъни Маккага, Яманга ва

Баҳраинга ҳам биттадан нусха юборилган эмиш.

Куръони Карим Оллоҳ химоясида

“Аниқ-ки, Зикрни (Куръонни) Биз индирдик. Унинг химоячиси ҳам, шубҳасиз, Биз“ (“Ҳижр”, 9), дея буюргандир Аллоҳу Таоло. “Унга — на олдидан, на да ортидан — (ҳеч бир) ботил яқинлаша олмайди. У бутун коинотнинг ҳамд этгани, ягона ҳукм ва ҳикмат соҳиби Аллоҳ тарафидан индирилгандир”. (“Фуссилат”, 42).

Пайғамбаримиз алайҳиссалом таблиғ этган дин ва шарият
Пайғамбаримиз Ҳазрати

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (22).

Муҳаммад алайҳиссаломнинг Оллоҳу Таолодан талокқий этиб, инсонларга етказилиши 46 Муҳаммад алайҳиссалом топширилган дини ва шарияти унинг бобоси Иброҳим алайҳиссаломнинг дини ва ўзига ваҳий этилган шариятдир. Дин сўзи луғатда: жазо, ислом, ибодат, тоат, инқиёд, тавҳид, миллат, шарият, вафо ва тақво, ҳисоб... каби турли маъноларни ташийди.

Шарият тилида Дин пайғамбарнинг Оллоҳ индирган буйруқларини қабул қилишга даъват этган илоҳий Қонундир.

Бу илоҳий Қонунга итоат қилингани учун дин дейилади. Шарият — Оллоҳнинг очиқ ва кенг йўли бўлгани ва қуллар боғлансин, дея қўйилган ҳукмлардан иборат бўлгани учун шарият дейилади. Оллоҳ наздида дин фақат ислом динидир. («Ол-и Имрон», 19).

Ислом динидан бошқа дин ахтарганнинг (дини) қабул қилинмаяжак ва у охиратда зиён кўражак. («Ол-и Имрон», 85).

Инсонларнинг илк боғланганлари ягона ва умумий дин Ислом дини бўлган. Бутун пайғамбарлар Ислом динининг таблиғи учун хизмат қилганлар.

Одам алайҳиссаломдан сўнгра Абул Башар дея танилган Нух алайҳиссалом ҳам мусулмон эди. Пайғамбарларнинг отаси Иброҳим алайҳиссалом ҳам, унинг ўғиллари, набиралари ҳам мусулмон эдилар. Мусо алайҳиссаломнинг Исроилликларни ва Фиръавни даъват этган дин ҳам Ислом дини эди. Исроилликларга

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

пайғамбар ўлароқ юборилган Исо алайҳиссаломнинг хаворийлари ҳам унга, “Биз Оллоҳга инондик, (сенда Эй, Исо), шохид бўл-ки, биз муҳаққак мусулмонларданмиз!” деган эди. («Моида», 111, «Ол-и Имрон», 51-52).

Тавҳид дини

Ислом дини — тавҳид динидир. Бу динда Оллоҳга ва унинг бирлигига иймон этмак фарзидир. Тавҳид Куръони Каримда “Ла илаҳа иллаллоҳ” (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ) калималари ила мухтасар шаклда ифода этилгандир.

Тавҳид Оллоҳу Таолонинг ЗОТИНИ зехнларда тасаввур ва таҳайюл этилиши мумкин бўлган ҳар қандай нарса ташқарисида ва устида тутиш демакдир.

Бу уч нарса билан ифодаланеди:

1. Оллоҳу Таолонинг Робблигини билмак.

2. Оллоҳнинг Воҳидлигига, бирлигига иқрор бўлмоқ.

3. Оллоҳу Таолога ҳеч бир шерик қўшмаслик билан мумкиндир.

Зотан, Оллоҳу Таоло Одам (алайҳиссалом)нинг зурёдларини зарралар ҳолида чиқариб, (уларга ақл берди ва) уларни ўзларига шохид тутиб, “Мен сизнинг

дея кўрсатилгандир.

Илк мўмин ва мусулмонлар

Пайғамбаримиз Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом (ўз замонида) Аллоҳу Таолога иймон ва ибодат этганларнинг биринчиси эди.

Бу воқеа Куръони Каримда шундай ифодаланеди: “Де-ки, мен Аллоҳга ихлос этувчи ўлароқ ибодат этишим учун амр олдим. Менга мусулмонларнинг аввали бўлиш буюрилди”. (“Зумар”, 11-12).

Илк пайтларда Куръайш мушриклари Пайғамбаримиз алайҳиссаломга қаттиқ қарши чикмади. Ҳатто улар Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг Каъба масжидида намоз қилишига ҳам индамадилар.

П а й ғ а м б а р и м и з алайҳиссаломдан кейин Аллоҳга ва унинг расулига илк иймон келтирган инсон Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг завжалари Ҳазрати Ҳадича бўлди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом қавми тарафидан инкор этилиб, ҳақоратларга учраганида Аллоҳу Таоло унинг қайғусини Ҳазрати Ҳадичанинг таскин берувчи сўзлари ила кетказар, саботини мустаҳкамлар эди.

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (22).

Роббингиз эмасманми?”, деб хитоб этди. Улар ҳам “балли, Сен бизнинг Роббимизсан” (“Аъроф”, 172) дейишганди.

Бу иқрор улар учун илк иймон эди. Шу боис, Одам ўғиллари доим бу салим фитрат билан дунёга келадилар.

Ким-ки, бундан (аҳддан) сўнгра куфрга тушса, муҳаққак, у ўша фитрат иймонни ўзи ўзгартирган бўлади. Ким-ки, иймон ва тасдиқ этган бўлса, у ўша илк иқрори устида собит ва давом этган бўлади. (Абу Ҳанифа, «Фикҳи Акбар», 14-15 саҳифалар).

“Аъроф” сурасининг 172-173 оятларида ифодалангани каби, Одам ўғилларининг ҳали дунёга келмасдан иқрорларининг олинишига сабаб — Қиёмат куни “бизнинг бундан хабаримиз йўқ эди” ёки “оталаримиз биздан олдин Оллоҳга ширк қўшди, биз уларнинг орқасидан келган48 Муҳаммад алайҳиссалом наслмиз. Энди у ботилни курганларнинг ишлаган гуноҳи учун бизни ҳалок этасанми?”, демасликлари учун,

Пайғамбаримиз алайҳиссалом Ҳадиси шарифларида “Ўз замонидаги хотинларнинг хайирлиси Имрон кизи Марям эди. Бу уммат хотинларининг хайирлиси эса Ҳадичадир”, дейди.

“Жаннат хотинларининг устунни Хувайлиднинг кизи Ҳадича, Муҳаммаднинг кизи Фотима, Имроннинг кизи Марям, Музаҳимнинг кизи (фиръавннинг завжаси) Осиедир”, деган яна Пайғамбаримиз алайҳиссалом.

Ҳазрати Ҳадича мусулмон бўлганида ёнидаги қизлари Ҳазрати Рукия, Ҳазрати Умму Кулсум, Ҳазрати Фотима ҳам мусулмон бўлдилар.

Аллоҳ ҳаммаларидан рози бўлсин!

Ҳазрати Али Пайғамбаримиз алайҳиссалом ва Ҳазрати Ҳадичанинг намоз қилганларини кўриб “бу надир?”, деб сўради.

— Бу Аллоҳнинг ўзи учун танланган пайғамбарлари орқали юборган диндир, — деди Расулulloҳ.

Кейин Пайғамбаримиз

алайҳиссалом Ҳазрати Алига:

— Мен сени бир ва ягона бўлган Аллоҳга иймон этишга, унга ибодатга даъват этаман. На фойдаси, на зарари бўлган Лот ва Узза (бутлар)ни инкор этишга даъват қиламан, — деди.

— Мен бу дин ҳақида бугунга қадар эшитмадим. Отам Абу Толиб билан маслаҳатлашмай туриб, бу ишни қилолмайман, — деди Ҳазрати Али.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом пайғамбарликнинг эълон қилинишидан аввал одамлар ичида тарқалишини истамагани учун:

— Эй, Али, сенга айтганимни қилсанг қил, қилмасанг, мусулмон бўлмасанг, сенга айтганларимни ҳеч кимга айтма, сир тут, — деб буюрди.

Ҳазрати Али ўша кеча кутди.

Аллоҳу Таоло унинг кўнглига Ислом севгисини ерлаштирди.

Эрталаб Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ёнига бориб, “Ё, Муҳаммад, кеча менга айтганинг нима эди?”, деб сўради.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом унга:

— Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарикалаҳ, (Ўзидан бошқа илоҳ бўлмаган, бир бўлгаси, шериги бўлмаган Аллоҳ), деб шаҳодат келтир. Лот ва Уззани рад эт, инкор қил. Аллоҳга тенг тутилган ҳар қандай бутлардан узоклаш, — деди.

Ҳазрати Али Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг буйруғини дарҳол бажарди, мусулмон бўлди.

Аллоҳ ундан рози бўлсин!

Ҳазрати Али отаси Абу Толибдан кўрқиб, бир муддат мусулмонлигини махфий тутди, айтмади.

У мусулмон бўлганида 10 ёшда эди. Намоз вақти келганида, Пайғамбаримиз алайҳиссалом Макка водийларига кетиб, у ерда намоз қилар, Ҳазрати Али ҳам унга қўшилиб намоз қиларди.

Буни бир куни Ҳазрати Алининг онаси Фотима хотин билиб қолиб, эри Абу Толибга айтди. Абу Толиб ҳам Пайғамбаримиз ва Ҳазрати Алининг изидан тушиб таъқиб этди. Уларнинг Батни Наҳлда намоз қилганларини кўрди.

— Эй, биродаримнинг ўғли, бу дин қайси диндир?, — деб сўради Пайғамбаримиздан Абу Толиб.

— Эй амаки, бу Аллоҳнинг динидир. Аллоҳ малакларининг динидир. Аллоҳ пайғамбарларининг динидир.

(Давоми келгуси сонда)



Гулнора Равшан

АЧЧИҚ АЙРИЛИҚ...

Кузнинг сўнги оғи — ноябр... Бурса шаҳридаги мева ва сабзавот бозорларининг бирида савдотик авжида. Олти яшар қизим Дилошуб билан у ёқтирган мева — анор, менга эса қизилча олиб бозордан чиқдик. Қизилчани кўпроқ истеъмол қилишни менга таниқли биолог олима Ойдин Солиҳ тавсия қилганди. Шу кунгача бу сабзавот турини таниб, унинг инсон организмга фойдасидан хабарим бўлган, бироқ, унинг фавқултда таъсирини билмаган эканман...

Бозор яқинидаги маршрут-такси бекатида навбат кутиб тургандик. Ойдин хонимнинг котибаси Наргис телефон қилиб қолди. Овози бўғиқ, ўзини йиғидан тияолмасди. "Наргис, тинчликми, нима бўлди, гапирсанг-чи?", дея бир неча марта такрорлаганимдан кейин у "Гул абла, Ойдин ханими қайб этдик", деди.

Совуқ хабар ортидан бошимга урилган зарбадан кўзларим тинди, назаримда дунё бир дам гардишдан тўхтади, кўлимдаги мевалар ерга тўкилди... Бурсанинг серқатнов кўчаларидан ҳиссиз юриб борар эканман Ойдин Солиҳ билан бўлган илк ва кейинги учрашувларимиз

кўз ўнгимдан кино лентаси сингари ўтарди...

Самимий суҳбатдошим, онам сингари меҳрибон инсонни йўқотиб қўйганимга ҳеч ишонгим келмасди. У кишининг саломатлиги кейинги вақтлар ёмонлашгани айтилса-да, лекин ҳар ҳолда тузалиб кетишига умид катта эди. Аммо афсус...

"Ойи бекорга йиғлаясиз, зотан доктор хоним жаннатга кетдилар". Олти яшар қизчамнинг бу иддаосидан хушёр тортдим.

Туркияга келганимизда бу қизалоқ тўрт ёшда эди. Ойдин Солиҳни болаларим "доктор хоним", деб аташарди.

"Сен қаердан биласан", дея ажабланиб сўрадим қизимдан. "Э, биламан чунки, доктор хоним кўп одамларга ёрдам қилган, бизга ҳам. Одамларга яхшилик қилиб яшаган одам албатта жаннатга кетишини бизга истанбуллик Айше

ўқитувчимиз айтган", деди қизчам. У буларни жуда жиддийлик билан айтди.

Тўрт-беш ёшидан яхшилик билан ёмонликни фарқлай олган, Ойдин Солиҳнинг инсонларга, хусусан бизга яхшилигини унутмаган бу боланинг гапида жон бор.

Дарвоқе, Туркияга ризқ илинжида келган ўзбекистонликларнинг кўпчилиги Солиҳлар оиласига ёрдам учун мурожаат қилганидан хабарим бор. Ойдин Солиҳ шундайларнинг аксариятига беғараз ёрдам берганини ҳам яхши биламан. Туркияда ижарага уй олиб қийналиб қолганларга ҳатто кўрпа-тўшак, уй-рўзғор буюмлари билан ёрдам қиларди. Оиласидан бирор кишини даволашга олиб келганларга эса албатта текин тиббий хизмат қиларди. Аммо кўп ҳолатларда "раҳмат" ўрнига шукрсизлик қилиб кетганларини кўрганимда асабийлашардим. Ойдин опа эса, "мен бу ишларни фақат Иброҳим алайҳиссалом миллатидан бўлганим учун қиламан", деб ширингина жилмайиб қўярди. Дарҳақиқат, Ойдин Солиҳ бу дунёнинг фоний эканини яхши англаган ҳолда ўзи учун яшамади.

У фақат инсонлар хурсандчилиги учун елди-югирди. Бугунги кунда турк жамиятида ўзбек аёли, ўзбекистонлик олима Ойдин Солиҳ Туркия Соғлиқни сақлаш тизимида жуда катта бурилиш ясагани эътироф қилинмоқда. Замонавий тиббиёт хизматидан воз кечиб Ойдин Солиҳ йўлга қўйган Ҳақиқий тиббиёт усулида даволашнига қарор қилаётган туркияликлар сони йилдан-йилга ошиб бораётир. Бу ҳаводан олиб гапирилаётган фикр эмас. Узаро суҳбатларда туркияликлар "дорихонага йўлини йўқотганлари"ни севиниб гапиришади. "Ойдин хоним туфайли биз ҳақиқий ҳаёт тарзини ўргандик, Аллоҳ раҳмат қилсин", дейишади.

Бурса шаҳрида қор ёғмаган бўлса-да, ҳаволар совиди. Шаҳар марказидаги энг катта масжид Улуғ жомий ёнидан юриб бораман, оёқларим остида ҳазонрез шивирлайди... бир гўшада ўтирган кўча ҳофизининг ҳузунли овози диққатни чекади: "Бугун элин чекиб бенден ашким гедар олди"...

Ойдин Солиҳ асос солган институт (NHİ) қошида фаолият қилаётган "Sade pazar" да устозидан ишни пухта ўрганган бурсалик ҳожамотчилар Ойдин хонимни хотирлашади: "Бугунги прогрессда Пайғамбаримиз с.а.в суннатларига асосланган даволаш услубини жамиятимизда қайта тиклай олиш, уни кенг жорий қилиш, ҳамда Фарб ўлкаларининг бунга диққатини тортиш буюк бир ютуқ. Ҳозирда ҳамма ҳам шу нарсани том маъносини англай олмаяпти. Видолашув куни устозимизни қабрга қўйгач, қабр бошида туриб қолдик. Аслида у ердан тезда кетилади, лекин биз ундай қилолмадик. Чунки, айрилиқ, бу йўқотиш жуда оғир эди", дейди Аҳмад исмли ҳожамотчи.

Тўғри, Ойдин Солиҳнинг вафоти жуда катта йўқотиш бўлди, ҳаммамиз учун. Аммо ҳукм Аллоҳдан. Яратгандан Ойдин Солиҳга Жаннат эшикларини очишини ёлвориб дуо қиламиз.

Бизга ҳам Ойдин Солиҳдек лойиқ банда, лойиқ уммат бўлиб яшаш насиб қилсин. Амин.

Гулнора Равшан

Ўзбек автомобилларининг россия бозорида сотилиши ноябрда рекорд даражада пасайди

Оврўпа бизнеси Уюшмаси авто ишлабчиқарувчилар Кўмитаси 2014 йилнинг 11 оғи давомида россия бозоридаги энгил автомобиллар савдосида бўйича хулоса тайёрлади.

Подробно.уз нашри берган хабарга кўра, ушбу муддат давомида 35355 та автомобил сотилган.

54633 та автомобил сотилган ўтган йилнинг ағни муддати билан солиштирганда пасайиш 35%ни ташкил қилган.

Фақатгина ноябрь ойининг ўзида савдодаги пасайиш рекорд рақамни — 66:ни қайд қилган.

2013 йилнинг ноябрь ойида 5619

та автомобил сотилган бўлса, 2014 йил ноябрда бу кўрсаткич 1883 тани ташкил қилган.

GM Uzbekistan нинг бозордаги улуши ҳажми ҳам 2,2% дан 1,6% га тушган.

UZBEK.FM

(Давоми: Боши 156-сонда)

...Яна, ҳў, ўша бизларнинг ёдимиздан кўтарилган эски воқеалар қайтарилаётган эди.

Поёнсиз дунёда бизгагина хос муаммоларнинг бизни ташлаб кетгиси келмаётган эди, улар бизни макон тутган эдилар, тассарруфимизни босиб олиб, ўзлимизга эга чиққан эдилар. Уясини соғинган куш каби улар ҳар сафар консираганларида тўшлари билан бизга келиб урилардилар, руҳимиз меҳварига қўна туриб биздан куёшни тўссалар, учаётиб захарли тирноқлари билан вужудимизни тирнардилар.

Ҳар сафар кўзларимиз ёш, юрагимиз қон боғларди, тонгни кулиб қаршилаб, кунни йиғлаб боттирардик. Аслида, улар бизга хуруж қилмаётган эдилар, бизнинг шу қабилагарга мойиллигимиз, уларни чакирарди, қайрилиб боқмаса ёқасидан ушлаб, омилигимиз уларнинг кўксига калла қўярди. Юки билан кўчган карвонлар йўлда қароқчилар томонидан таланган, халқнинг ботирлари курагидан ўк еб, улар минган асов отларни хоинлар жиловлаб олгандилар. Тўғрилиқни касб қилмоқчи бўлган кимсани ўғри ва каззобга чиқариб, ўғри билан каззоб қозикалоннинг тўнини кийиб, шайхнинг дасторини ўраб олганди.

Халқни босқинчиларнинг ғоялари таъсирида ўз дину диёнатидан адаштирмоқчи бўлган Ғофир Ғуломлар, Ҳамид Олимжонлару Ойбеклар, Зулфиялару фалон-фалонлар яна миллат қаҳрамонига айлантирилиб, Фитрат билан Чўлпон ҳали ҳам душман, Авлониёлару Бехбудийларнинг қандай қилсак аросатдан кутилиб озодликка эришишимиз мумкинлиги ҳақидаги ғоялари, ҳалигача мустақиллик архивида сақланарди. Муҳаммад Солиҳларни миллатнинг жон томиридан узиб, Мамадали Маҳмудовларнинг оғзини ерга қопқоқ қилиб қўйгандилар. Жон томирларидан узилган халқнинг юраги пажмурда, қўл-оёғи гўёки шол эди.

Архивга кун нури кирмаслиги учун Каримов қўлидан келган ҳар қандай ишга тайёр турар, миллат ўзининг ҳақиқий қаҳрамонлари билан сохта қаҳрамонларнинг фарқига борадиган бўлса, у бошида қиёмат қойим кўпишини яхши биларди. Президент коммунистлар мафқураси масули бўлгани учун

ҳам, миллатни, бутун мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий турмуш-тарзини эски советча услубда ушлаб туришга тиришарди. Унинг имкониятларини чуқур ҳис этадиган муаллимлари унга шу йўлдан юришни маслаҳат берар, оғишадиган бўлса, қўлидан бошқарув дастагини чиқариб юборишини уқтириб, уни ваҳимага солардилар. Ҳақиқатан ҳам, унинг савия даражасидаги билимсиз ва жоҳил бир одам учун бошқа йўлнинг ўзи йўқ эди. У шунга маҳкум экан, не илож?! Бизнинг ўзимиз ҳам яқин ўтмишимиздаги Дукчи эшон ёхуд Мадаминбегу Ш е р м у х а м м а д б е к л а р н и , уларнинг мувафақиятларини, энгилиши сабабларини эсламай

ҳам Дукчи эшон ва мулла Акрам Йўлдошнинг тақдири каби фожеали яқун топганди. Қаҳрамонларига умид кўзларини тиккан миллатнинг оғзи ошга етганда, бурни тошга тегиб, ҳар гал чув тушиб қолаверарди. Ҳар гал халқ ичидан отилиб чиққан озодлик йўлбошчиларининг бошини душман эмас, шу халқнинг ичидан чиққан хоинлар ердилар. Ҳар гал душман ўзимизнинг қўлимиз билан ўзимизни-ўзимизга бўғизлатарди, зиндонларга ташлатиб беаёв калтақларди, кийноқларга тутиб қилмаган жиноятларимизга иқроп қилдиради. Бу гал ҳам айнан шундай бўлди..

Биз катта маданиятга, бой

“Ҳаммасини отиб ташланглар”-4

қўйгандик. Яқин тарихимиздаги миллатдошларимиз йўл қўйган хатоларни ўрганмаслик, сабабларидан келиб чиқиб ўзимизни тўғирламаслик, бизларни Каримов сингари бир кўрқоқ ва жоҳил қаршисида, қўл-оёғи занжирланган, тили кесилган кимса каби имконсиз қилиб қўйди. Жорий тузумга халқ ичидан чиққан қаҳрамонларнинг, имон-этикоди бут ёзувчи-шоирлару, Аллохнинг буюрганидан оғишмайдиган мўмин-мусулмонларнинг кераги йўқ эди.

Халқ ўзининг ҳақиқий халоскорларини таниса, иймон ва собидқадамликнинг не қадар куч-қудрат эканини ҳис қилиб қолса, у учун Каримовнинг ҳам, унинг “ўзбек модели”нинг ҳам зарурати қолмасди.

Бир замонлар Дукчи эшон ва унинг маслақдошлари босқинчиларга бош кўтарганда, улар ҳам худди ақрамчилар сингари мустабид ҳукумат томонидан беаёв бостирилганди. Фарқи, Дукчи эшон ва унинг маслақдошларини қонига ғарқ қилганлар, Туркистонга бостириб кирган босқинчилар – чор Россиясининг зобидлари ва аскарлари эдилар. «ақрамчилар» баҳонасида, андижонликларни ва ўша кундан буён бутун ўзбекларни қатағон қилиб келаётганлар эса, бизларнинг ўзимизнинг ичимиздан чиққан, миллатнинг тузини ичиб, тузлиғига тупурган жигаргўшаларимиз экани, биз учун жуда катта фожеа бўлди. Бир замонлар коммунистлар билан муносиб кураша олган Мадаминбек ва унинг тарафдорлари тақдири

тарихга эга бўлган халқ ҳеч бир замон бу ишларнинг боиси нимада, нима учун биз сўнгги асрларда ич-ичимиздан фидо бўлиб боряпмиз, бизнинг хато-камчилигимиз каерда деб, нуксону қусурларимиз хусусида бош қотирмаймиз. Ичимиздаги душманга – жаҳолатга ҳужум бошлаш учун бирор марта Гаспринский ва Бехбудийни ёхуд Авлониёни ўқиб тафаккур қилмаймиз.

Ҳолбуки, улар бизларнинг хасталиқларимизга ташхислар қўйиб, дардларимизга дармон топганларига юз йиллар ўтаяпти. Оддий кимсалар тугул, миллатнинг гуллари бўлиш шарафига лойиқлик учун жон бериб-жон олаётган ўзбек зиёлилари ҳам Фитрат ёхуд Чўлпоннинг мақсадини ҳалигача англаганлари йўқ.

Улар Каримовнинг сеҳру жодисига товланиб, унинг кўзига яхши кўриниш учун ўзларининг имон-этикодаларини ер билан яқсон қилганлари етмаганидек, халқни хиёнатга, ясамалик ва ёлғонларга ундаб ётипдилар.

Дунё кўзи ўнгида вайронага айланиб бораётган мамлакатни: “Келажаги буюк!” деб мақтаб, миллатнинг меҳробига ўт қўйганлари етмаганидек, ошига захар солмоқдалар.

Дукчи эшон руҳоний ва ҳалим бир кимса эди. У пири комил мужоҳидлик шарафига эришган бўлса ҳам ҳарбий масалаларда тажрибаси йўқ, сиёсий ўйинларни ботинида англасада, ичидагини ташқарисида намойиш эта олмасди.

Эргаш Сулаймон

(Давоми кейинги сонда)



ЎзТВнинг бесоқолбоз жиҳодчилари ва экстремист фоҳишалари

Ўзбекистон давлат телевидениеси орқали намойиш қилинган «Хиёнат» номли дастурда Оврўпода гўёки жиҳодчилар сафларига қўшилаётган ўзбеклар бесоқолбозликда айбланган.

Биринчи канал орқали кўрсатилган дастур Норвегияга сафар қилиб қайтган олти ўзбекистонликнинг Оврўпода диний экстремистлартаъсириостига тушиб қолганларини даъво қилади. «Ўзларини Исломиё эътиқодда деб билган бу шахсларнинг диний экстремистик гуруҳдаги раҳнаmolари фатвоси билан Ислom динида ўта оғир гуноҳ саналган бесоқолбозлик билан шуғулланиб келганлигига нима дейсиз?» — дея савол беради бошловчи. Кўрсатувда ўзбек телевизион «тергов»ига оид анъанавий тарзда олти ўзбекистонлик кўрсатма беради. Улардан бири Асадулла Хайруллаевич Ризкиев Норвегияга келганида уни нотаниш одамлар кутиб олиб, қочқин мақомини олиш учун ёлгон гапларни айтишни тавсия қилганлари ҳақида сўзлайди.

У бир йилдан ошиқки бесоқолбоз алоқада бўлиб келгани ва жиҳодчи гуруҳ таркибида бўлганини ҳам айтди. Шухрат Қодирович Илхомов дея таништирилган яна бир шахс ҳам бир вақтнинг ўзида жиҳод ва бесоқолбозлик билан шуғулланишини айтади.

Кўрсатув «экспертлари» ўзбекистонликлар ўз ватанларига жиноят саналган бесоқолбозликни рўқач қилиб, Оврўпода бошпана олаётганларини билдиради.

Кўрсатув уюштирувчилари нима

учун жиҳодга ишонган шахслар Ислomда гуноҳ деб саналган ҳамжинс алоқаларга кирганларини изоҳламайди ва бу айбловларни дастакловчи далил-исботни келтирмайди.

«Юқоридан буйруқ»

Кўрсатувни томоша қилганда, агар бу йигитлар ҳақиқатдан ҳам ҳамжинс бўлсалар, бесоқолбозлик йўл очиб берилган Оврўпода нега янги ҳуқуқларидан баҳра олмай, жиҳодга қўшилдилар деган савол ҳам туғилади.

Ислomий Давлат сафларига қўшилаётган ўзбеклар муаммоси ҳозирда мавжуд, лекин уларга бу каби «тамға» бериб қоралаш ҳаракати аввал кузатилмаган.

Бир неча кун аввал Ўзбекистон

қилувчи Нарзулло Охунжоновнинг айтишича, бу каби кўрсатувлар бевосита «юқорининг топшириғи билан» тайёрланади.

«Эсингизда бўлса, бундан аввал ҳам диний йўлларга кириб кетганлар орасида бир-бири билан хотин алмашиш, мана шундай алоқаларга киришлари ҳақида дастурлар бўлганди. Бу уларнинг раҳбари бўлмиш имомнинг обрўсини тўкиш йўлида қилинадиган нарса бу», — дейди журналист.

Жаноб Охунжонов бу каби дастурлар тайёрланишига ўз тажрибаси давомида гувоҳ бўлганини айтади.

«Авалло бу кўрсатувлар телевидение учун қилинади.

Телевидениедаги махсус кенгашга каналнинг бош муҳаррири, канал директори ё ўринбосари киритилмайди. У ерда махсус хизматлар рухсат берган, ваколати бўлган инсонлар бор. Улар аввал кўради, кейин президентлик аппаратидаги миллий хавфсизлик кенгаши кўради, кейин лозим бўлса, президентнинг ўзи кўради. Ундан кейин эфирга берилади. Телеварианти кетгандан кейин, радиога берилади», — дейди у.

Унинг айтишича, бу каби кўрсатувларда кўрсатма берган «айбдор шахслар» кўрсатувдан аввал қаттиқ қийноқлар остида ҳар қандай айбни ўз бўйниларига олишга рози бўладилар.

Манба: Би-би-си



телевидениеси орқали Тошкент вилоятида экстремистик оқимларга кирган фоҳиша аёллар ҳақида ҳам кўрсатув намойиш қилинганди.

Ўзбекистон радиосида собиқ бўлим раҳбари бўлиб ишлаган, ҳозирда Туркияда истиқомат

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkin yurt
Муҳаррир: Замир Малик